

8-1-2020

DETERMINATION OF THE PLACE OF FINANCIAL TOP - STRENGTH BASED ON THE TOTAL VALUE OF NON-FINANCIAL COMPANIES

Y. Sunnatov
Tashkent Financial Institute

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Sunnatov, Y. (2020) "DETERMINATION OF THE PLACE OF FINANCIAL TOP - STRENGTH BASED ON THE TOTAL VALUE OF NON-FINANCIAL COMPANIES," *International Finance and Accounting*: Vol. 2020 : Iss. 4 , Article 4.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss4/4>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

НОМОЛИЯВИЙ КОМПАНИЯЛАРНИНГ УМУМИЙ БАҲОСИГА ҚАРАБ МОЛИЯВИЙ ТОП – КУЧЛИЛИКДАГИ ЎРНИНИ АНИҚЛАШ

Мақолада умумлашган шартли эталон баланс асосида номолиявий компанияларнинг бухгалтерия баланс сифатига баҳо берувчи рейтинг баҳо методикаси ишлаб чиқилди. Номолиявий компанияларнинг бухгалтерия баланс сифатига қараб, уларни гуруҳларга ажратиш учун 4 та сифат градациялари ўрнатилди. Шунингдек номолиявий компанияларнинг топ кучлиликдаги ўрнини билиш мақсадида, янги иқтисодий термин ҳисобланган номолиявий компанияларнинг молиявий ўлчами киритилиб, унинг ҳисоблаш методикаси берилди. Номолиявий компанияларнинг молиявий ўлчамига қараб, уларни таққослама умумий баҳосини аниқлаш учун молиявий ўлчам 9 та поғоналарга бўлинди.

Таянч сўз ва иборалар: номолиявий компаниялар, бухгалтерия баланси кўрсаткичлари, умумлашган шартли эталон баланс, нисбий коэффициентларнинг эталон миқдорлари, бухгалтерия балансининг сифат баҳоси, сифат градацияси, номолиявий компанияларнинг умумий баҳоси.

ОПРЕДЕЛЕНИЕ МЕСТА ФИНАНСОВОГО ТОП-СИЛЬНОГО НА ОСНОВЕ ОБЩЕЙ ЦЕННОСТИ НЕФИНАНСОВЫХ КОМПАНИЙ

В статье разработана рейтинговая методология оценки качества бухгалтерского баланса нефинансовых компаний на основе обобщенного условного эталонного баланса. В зависимости от качества баланса нефинансовых компаний были установлены 4 градации качества для их классификации. Кроме того, для того, чтобы узнать лидирующие позиции нефинансовых компаний, был введен финансовый размер нефинансовых компаний, который является новым экономическим термином, и была дана методология его расчета. В зависимости от финансового размера нефинансовых компаний, финансовый размер был разделен на 9 этапов для определения их сопоставимой общей стоимости.

Ключевые слова: нефинансовые компании, показатели баланса, обобщенный условный эталонный баланс, эталонные величины относительных коэффициентов, оценка качества бухгалтерского баланса, градация качества, общая оценка нефинансовых компаний.

DETERMINATION OF THE PLACE OF FINANCIAL TOP - STRENGTH BASED ON THE TOTAL VALUE OF NON-FINANCIAL COMPANIES

The article develops a rating methodology for assessing the quality of the balance sheet of non-financial companies on the basis of the generalized conditional reference balance. Depending on the quality of the balance of non-financial companies, 4 gradations of quality were established for their classification. In

addition, in order to find out the leading positions of non-financial companies, the financial size of non-financial companies was introduced, which is a new economic term, and a methodology for calculating it was given. Depending on the financial size of non-financial companies, the financial size was divided into 9 stages to determine their comparable total cost.

Key words: non-financial companies, balance indicators, generalized conditional reference balance, reference values of relative coefficients, quality assessment of the balance sheet, quality gradation, total valuation of non-financial companies.

Кириш

Бозор рақобати шароитида манфаатлари бир-бирига зид бўлган номолиявий компания эгалари (инвесторлари) ва менежментининг таъсири остида компания молиявий-хўжалик фаолиятида юзага келувчи ижобий ва ёки салбий ҳолатлар, унинг бошқарув ва молиявий ҳисоб хужжатларида (жумладан ҳисоботларида), рейтинг баҳосида, молиявий ўлчамларида ва умумий баҳосида бевосита ўз аксини топади. Айнан шундай ҳолатлар ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги ва фаолият турини амалга оширувчи номолиявий компания молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини расмий акс этувчи бухгалтерия баланси кўрсаткичлари ёрдамида молиявий таҳлил қилиш, рейтинг баҳолаш, молиявий ўлчамни аниқлаш ва умумий баҳолашнинг долзарблиги ва зарурлигини доимо тақозо қилиб келмоқда. Чунки бошқарув ва инвестицион қарорлар қабул қилиш имконини берувчи бундай таҳлилдан, бир томондан, номолиявий компания эгалари ва потенциал инвесторлари, иккинчи томондан – унинг менежменти (ижроий органи) ва шартномавий бизнес-шериклари манфаатдордирлар. Бунда менежмент фаолияти сифатига баҳо бериш негизида номолиявий компания эгалари ва ёлланма менежменти омилларининг таъсири остида унинг молиявий-хўжалик фаолияти натижаларига мос равишда шаклландувчи молиявий кўрсаткичларида, жумладан молиявий ҳолати рейтинги баҳо ва молиявий ўлчамларида, намоён бўлувчи ижобий ёки салбий ҳолатлар аломатини бухгалтерия баланси кўрсаткичларининг таҳлили асосида аниқлаш ғояси ётади.

Бунда молиявий ўлчам янги иқтисодий термин бўлиб, номолиявий компаниялар учун умумий баҳо беришда ва уларнинг топ кучлиликдаги ўрнини аниқлашда муҳим кўрсаткич ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи

Мавзунинг муаммоли жиҳатлари ва долзарблигини ўрганган олимларидан Бирман Г., Шмидт С., Ван Хорн Д.К., Бернстайн Л.А., Стоун Д., Хатчинг К., Бочаров В.В., Алексеев П.Д., Балабанов И.Т., Коласс Б., Шеремет А.Д., С.И.Крилов, Банк В.Р., Костирко Р. О ва бошқа олимлар бўлиб, ўзларининг илмий изланишлари ва тадқиқотларида номолиявий компанияларнинг молиявий ҳолат рейтинг баҳосини аниқлашнинг амалдаги усулларини ўрганиб, уларнинг яънада такомиллашишига ўз ҳиссаларини қўшишмоқда. Шу жумладан Регина Андекина «Financial Analysis and Diagnostics of the

Company»[3] номли мақоласида, Бартош Свидерски «Multistage classification by using logistic regression and neural networks for assessment of financial condition of company»[4] номли мақоласида, Хоце Хорхе «Feedback effects between credit ratings and financial market»[5] номли мақоласида замонавий таҳлил усулидан фойдаланганини кўришимиз мумкин.

Бу олимлар номолиявий компанияларнинг молиявий ҳолат рейтинг баҳосини аниқлашдаги усулларини такомиллаштириш билан бирга улар рейтинг баҳо бўйича ўзларининг фикрларини ҳам билдириб ўтишган. Айниқса, Р.О.Костирко таъкидлаб ўтадики, номолиявий компанияларнинг рейтинг баҳосини аниқлашда ягона стандарт метод мавжуд бўлмаганлиги сабаб, номолиявий компанияларнинг рейтинг баҳосини аниқлаш жуда қийин кечади дейди[6].

А.Д.Шеремет таъкидлаб ўтадики, турли соҳалардан бўлган ҳамда яхши кўрсаткичларга эга номолиявий компаниялардан бирини эталон сифатида шакллантириб ўрганиш мумкин. Бу баҳолаш усулини қўллашга тўсқинлик қилмайди. Чунки турлича бўлган хўжалик юритувчи объектларнинг молиявий кўрсаткичлари таққослама ўрганилади [7].

Бизга маълумки, жаҳонда номолиявий компанияларнинг рейтингини белгилайдиган компаниялар “Standard&Poor’s”, “Moody’s”, “Эксперт РА” ва бошқалардир. Булар номолиявий компанияларнинг рейтингини белгилашда ва уларнинг топ – кучлиликдаги ўрнини аниқлашда ҳозирда мавжуд бўлган усуллардан ва инсон омилидан фойдаланишади.

Таҳлил ва натижалар

Номолиявий компаниянинг бухгалтерия баланс сифатига баҳо бериш (рейтинг баҳо)ни аниқлаш мақсадида, 12 та коэффициентни қўллашимизга осон бўлиши учун уларни мос равишда қуйидагича белгилаб оламиз:

$$\frac{УМА}{ЖА} = x_1, \frac{ЖА}{УМА} = x_2, \frac{ХК}{ҚМ} = x_3, \frac{ҚМ}{ХК} = x_4, \frac{УМА}{ХК} = x_5, \frac{ХК}{УМА} = x_6, \\ \frac{ЖА}{ҚМ} = x_7, \frac{ҚМ}{ЖА} = x_8, \frac{УМА}{ҚМ} = x_9, \frac{ҚМ}{УМА} = x_{10}, \frac{ЖА}{ХК} = x_{11}, \frac{ХК}{ЖА} = x_{12}$$

(бунда УМА - узоқ муддатли активлар, ЖА – жорий активлар, ХК – хусусий капитал, ҚМ – қарз мажбуриятлар)

Ушбу коэффициентларнинг аниқланган минимал ва максимал чегараларини миқдорлари қуйидагича эди[8]:

$$0,1 \leq x_1 \leq 1, \quad 1 \leq x_2 \leq 10, \quad 1 \leq x_3 \leq 4, \quad 0,25 \leq x_4 \leq 1, \quad 0,5 \leq x_5 \leq 0,8, \\ 1,25 \leq x_6 \leq 2, \quad 1 \leq x_7 \leq 2, \quad 0,5 \leq x_8 \leq 1, \quad 0,1 \leq x_9 \leq 2, \quad 0,5 \leq x_{10} \leq 10, \\ 0,5 \leq x_{11} \leq 8, \quad 0,13 \leq x_{12} \leq 2$$

Умумлашган шартли эталон баланс қуйидагича эди[11].

Умумлашган шартли эталон баланс	
УМА (a) = 57y	ХК (c) = 92y
ЖА (b) = 97y	ҚМ (d) = 62y

Бу шартли эталон баланс бўйича аниқланган x_i эталон миқдорлари эса

куйидагича:

$$x_{3(1)}=0,59, x_{3(2)}=1,7, x_{3(3)}=1,5, x_{3(4)}=0,67, x_{3(5)}=0,62, x_{3(6)}=1,61, \\ x_{3(7)}=1,56, x_{3(8)}=0,64, x_{3(9)}=0,92, x_{3(10)}=1,09, x_{3(11)}=1,05, x_{3(12)}=0,95$$

Юқорида аниқланган барча 12 та коэффициентнинг эталон миқдорлари ҳамда минимал ва максимал чегараларининг миқдорлари ёрдамида куйидаги кўринишда қабул қилинган суммар мезон мақсадга мувофиқ:

$$F = \sum_{i=1}^{12} |x_{3(i)} - x_i|$$

Таклиф қилинган суммар мезон ёрдамида ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шакл ва фаолият турдаги номолиявий компаниянинг молиявий ҳолати сифатини ифодаловчи рейтингини баҳолашимиз мумкин. Бунинг учун F мезон миқдорини сифат градацияларига ажратиш мақсадида, юқорида аниқланган барча 12 та коэффициентнинг эталон миқдорлари ҳамда минимал ва максимал чегараларининг миқдорларидан фойдаланиб, унинг минимум ($minF$) ва максимум ($maxF$) миқдорларини куйидагича ҳисоблаб топамиз:

$$\begin{aligned} minF &= |0,59 - 1| + |1,7 - 1| + |1,5 - 1| + |0,67 - 1| + |0,62 - 0,5| \\ &\quad + |1,61 - 1,25| + |1,56 - 2| + |0,64 - 0,5| + |0,92 - 0,1| \\ &\quad + |1,09 - 0,5| + |1,05 - 0,5| + |0,95 - 0,13| \\ &= 5,04 \end{aligned}$$

$$\begin{aligned} maxF &= |0,59 - 0,1| + |1,7 - 10| + |1,5 - 4| + |0,67 - 0,25| + |0,62 - 0,8| + \\ &\quad + |1,61 - 2| + |1,56 - 1| + |0,64 - 1| + |0,92 - 2| + |1,09 - 10| + |1,05 - 8| + \\ &\quad + |0,95 - 2| = 31,19 \end{aligned}$$

Ҳисоблаб топилган $minF$ ва $maxF$ миқдорларнинг оралиғини юқорида айтилганидек тўртта сифат градациясига ажратамиз, яъни:

- [0; 5,04] – сифати аъло даражада;
- (5,04; 15,595] – сифати яхши даражада;
- (15,595; 31,19] – сифати қониқарли даражада;
- (31,19; ∞) – сифатсиз.

Шундай қилиб, номолиявий компаниянинг молиявий ҳолатининг сифати суммар мезон F ёрдамида рейтинг баҳоланади. Ушбу рейтинг баҳо тўртта градация оралиғида аниқланади.

Юқоридаги номолиявий компания бухгалтерия баланси кўрсаткичларининг бир хил номаълумга боғлиқ бўлган схематик моделидаги y – номолиявий компаниянинг молиявий ўлчамини аниқлашда зарурий кўрсаткич бўлиб хизмат қилади. Бундай ҳолатда молиявий ўлчам $k = \log_{10} y$ га тенг бўлади.

Рақобатлашган бозор шароитида бу юқоридаги схематик модел бўйича фаолият юритиш номолиявий компаниялар учун анча мушкулдир. Бундай шароитда бухгалтерия баланси моддалари бўйича молиявий ўлчам ўзгариб туради. Яъни юқоридаги модел куйидагича кўринишда бўлсин.

Умумлашган шартли эталон баланс	
УМА (a) = $57y_1$	ХК (c) = $92y_3$
ЖА (b) = $97y_2$	ҚМ (d) = $62y_4$

Бу юқоридаги схематик модел бўйича номолиявий компаниянинг молиявий ўлчами қуйидагича аниқланади.

$$k = \log_{10} \frac{y_1 + y_2 + y_3 + y_4}{4}$$

Номолиявий компанияларнинг молиявий ўлчамига қараб, уларни таққослама умумий баҳосини аниқлаш учун молиявий ўлчамни бир нечта поғонага бўлиб чиқамиз. Бу поғоналар қуйидагича:

1 – поғонани «А» деб номлаймиз. Мазкур поғона ўз ичига молиявий ўлчами 8 дан катта бўлган (яъни $k > 8$) барча номолиявий компанияларни ўз ичига олади.

2 – поғонани «В» деб номлаймиз. Бу поғона ўз ичига молиявий ўлчами 7 дан катта 8 дан кичик (яъни $7 < k \leq 8$) барча номолиявий компанияларни ўз ичига олади.

3 – поғонани «С» деб номлаймиз. Бу поғона ўз ичига молиявий ўлчами 6 дан катта 7 дан кичик (яъни $6 < k \leq 7$) барча номолиявий компанияларни ўз ичига олади.

4 – поғонани «D» деб номлаймиз. Бу поғона ўз ичига молиявий ўлчами 5 дан катта 6 дан кичик (яъни $5 < k \leq 6$) барча номолиявий компанияларни ўз ичига олади.

5 – поғонани «Е» деб номлаймиз. Бу поғона ўз ичига молиявий ўлчами 4 дан катта 5 дан кичик (яъни $4 < k \leq 5$) барча номолиявий компанияларни ўз ичига олади.

6 – поғонани «F» деб номлаймиз. Бу поғона ўз ичига молиявий ўлчами 3 дан катта 4 дан кичик (яъни $3 < k \leq 4$) барча номолиявий компанияларни ўз ичига олади.

7 – поғонани «G» деб номлаймиз. Бу поғона ўз ичига молиявий ўлчами 2 дан катта 3 дан кичик (яъни $2 < k \leq 3$) барча номолиявий компанияларни ўз ичига олади.

8 – поғонани «H» деб номлаймиз. Бу поғона ўз ичига молиявий ўлчами 1 дан катта 2 дан кичик (яъни $1 < k \leq 2$) барча номолиявий компанияларни ўз ичига олади.

9 – поғонани «I» деб номлаймиз. Бу поғона ўз ичига молиявий ўлчами 0 дан катта 1 дан кичик (яъни $0 < k \leq 1$) барча номолиявий компанияларни ўз ичига олади.

Бу бир бирлик узунликдаги ораликли градацияларга ажратиб номолиявий компаниялар учун рейтинг тузиб чиқиш бизга бу номолиявий компаниялар учун хулоса чиқаришимизда қулайлик яратиб беради. Лекин бир бирлик ораликда ҳам чексиз кўп сонлар мавжуд бўлгани учун иккита ёки бир нечта номолиявий компанияларнинг молиявий ўлчами бир хил сонга тенг бўлиш эҳтимоли жуда кичик бўлади.

Бу юқоридаги ҳар бир поғонага тегишли бўлган номолиявий компанияларнинг топ - кучлиликдаги ўрнини аниқлаш учун умумий баҳодан фойдаланамиз. Бу баҳо қуйидагича аниқланади:

$$n = \frac{\text{Номолиявий компаниянинг молиявий ўлчами}}{\text{Номолиявий компаниянинг рейтинг баҳоси}}$$

Бу умумий баҳо қанчалик юқори бўлса, компаниянинг молиявий ҳолати шунчалик барқарор бўлиши билан бирга унинг топ – кучлиликдаги ўрни ҳам юқори бўлади.

Молиявий топ-кучлиликда ўрни ўзаро солиштирилиб баҳоланадиган ҳар бир номолиявий компаниянинг молиявий ҳисоботи бир ҳил молиявий ўлчамга (минг, миллион ёки млрд. сўмда ёхуд валютада, масалан, АҚШ долларида ёки еврода) келтирилиши лозим.

Юқорида берилган натижаларнинг амалиётда қўлланилиши “Олмалик кон – металлургия комбинати” (ОКМК) АЖ¹, “Ўзбекнефтгаз” (ЎЗНГ) АЖ², “Ўзбекэнерго” (ЎЗЭ) АЖ³, “Ўзтрансгаз” (ЎЗТГ) АЖ⁴, “Ўзбекистон темир йўллари” (ЎЗТЙ) АЖ⁵ мисолида кўрилган.

1 - жадвал

Номолиявий компанияларнинг бухгалтерия баланс сифати(рейтинг баҳоси)ни аниқлаш (Ўзбекистоннинг йирик компаниялари мисолида)

Коэффициентлар	Эталон микдорлар	« Олмалик кон – металлургия комбинати » АЖ		«Ўзбекнефтгаз» АЖ		«Ўзбекэнерго» АЖ		«Ўзтрансгаз» АЖ		« Ўзбекистон темир йўллари » АЖ	
		2018йил	Абсолют фарк	2018йил	Абсолют фарк	2018йил	Абсолют фарк	2018йил	Абсолют фарк	2018йил	Абсолют фарк
УМА/ЖА	0,59	1,60	1,01	3,27	2,68	8,98	8,39	0,19	0,40	1,65	1,06
ЖА/УМА	1,7	0,63	1,07	0,31	1,39	0,11	1,59	5,33	3,63	0,61	1,09
УМА/ХК	0,62	1,32	0,70	1,42	0,80	3,11	2,49	0,90	0,28	1,27	0,65
ХК/УМА	1,61	0,76	0,85	0,70	0,91	0,32	1,29	1,11	0,50	0,79	0,82
УМА/ҚМ	0,92	1,15	0,23	1,66	0,74	1,27	0,35	0,19	0,73	1,22	0,30
ҚМ/УМА	1,09	0,87	0,22	0,60	0,49	0,79	0,30	5,22	4,13	0,82	0,27

¹ “ОКМК” АЖ 2018 йил натижалари (млн сўм): УМА = 10031736, ЖА = 6275132, ХК = 7577587, ҚМ = 8729281; Манба: www.openinfo.uz

² “ЎЗНГ” АЖ 2018 йил натижалари (млн сўм): УМА = 30187947 ЖА = 9228759 ХК = 21203278 ҚМ = 18213428 ; Манба: www.openinfo.uz

³ “УЗЭ” АЖ 2018 йил натижалари (млн сўм): УМА = 35033356, ЖА = 3899195,3 ХК = 11260854,2 ҚМ = 27671697,1. Манба: www.openinfo.uz

⁴ “ЎЗТГ” АЖ 2018 йил натижалари (млн сўм): УМА = 3571905, ЖА = 19025609 ХК = 3948519 ҚМ = 18648995. Манба: www.openinfo.uz

⁵ “ЎЗТЙ” АЖ 2018 йил натижалари (млн сўм): УМА = 18720078, ЖА = 11330496, ХК = 14767451, ҚМ = 15283123. Манба: www.openinfo.uz

ЖА/Х К	1,05	0,83	0,22	0,44	0,61	0,35	0,70	4,82	3,77	0,77	0,28
ХК/Ж А	0,95	1,21	0,26	2,30	1,35	2,89	1,94	0,21	0,74	1,30	0,35
ЖА/Қ М	1,56	0,72	0,84	0,51	1,05	0,14	1,42	1,02	0,54	0,74	0,82
ҚМ/Ж А	0,64	1,39	0,75	1,97	1,33	7,10	6,46	0,98	0,34	1,35	0,71
ХК/Қ М	1,5	0,87	0,63	1,16	0,34	0,41	1,09	0,21	1,29	0,97	0,53
ҚМ/Х К	0,67	1,15	0,48	0,86	0,19	2,46	1,79	4,72	4,05	1,03	0,36
Рейтинг баҳо			7,28		11,8		27,8		20,4		7,27
					8		1		1		

Бу таҳлил натижаларидан кўринадик, жадвалда келтирилган номолиявий компаниялар орасида рейтинг баҳоси 7,27 га тенг бўлган « Ўзбекистон темир йўллари » АЖ энг яхши бухгалтерия баланс сифатига эгаллигини кўрамиз. Рейтинг баҳоси (бухгалтерия баланс сифати) бўйича ундан кейинги ўринларни мос равишда « Олмалиқ кон – металлургия комбинати » АЖ, «Ўзбекнефтгаз» АЖ, «Ўзтрансгаз» АЖ, «Ўзбекэнерго» АЖ номолиявий компаниялари эгаллаб турибди. Лекин бу номолиявий компаниялар орасида бухгалтерия баланси сифати бўйича ўрнатилган градациялардан биринчиси (сифати аъло даражада)га мос келадиган компания мавжуд эмас. Бу номолиявий компаниялар орасидан бухгалтерия баланс сифати бўйича энг яхши натижаларга эга бўлган « Ўзбекистон темир йўллари » АЖ ва « Олмалиқ кон – металлургия комбинати » АЖ компаниялари ҳам ўрнатилган градациялардан иккинчиси(сифати яхши даражада)га мос келади. Бухгалтерия баланс сифати қониқарли даражада бўлган номолиявий компаниялар «Ўзбекэнерго» АЖ ва «Ўзтрансгаз» АЖ компанияларидир. «Ўзбекэнерго» АЖ компаниясининг жорий активини баланснинг бошқа моддаларига нисбатан нотўғри шаклланиши, унинг бухгалтерия баланс сифати қониқарли даражада бўлишига сабаб бўлмоқда. Жадвал маълумотларидан «Ўзтрансгаз» АЖ компаниясининг хусусий капитали ва узоқ муддатли активи баланснинг бошқа моддаларига нисбатан нотўғри шаклланганлигини кўриш мумкин. Бу камчилик унинг бухгалтерия баланс сифатини қониқарли даражада бўлишига сабаб бўлмоқда.

2 - жадвал

Молиявий ўлчами бўйича «D» поғонага (яъни $5 < k \leq 6$)га тегишли бўлган Ўзбекистоннинг номолиявий компанияларини топ – кучлилиқдаги ўрнини аниқлаш

Номолиявий компаниялар	Молиявий ўлчам	Рейтинг баҳо (1 – жадвалга асосан)	Умумий баҳо	Топ кучлилиқдаги ўрни
« Олмалиқ кон – металлургия	5,06	7,28	0,7	2

комбинати » АЖ				
«Ўзбекнефтгаз» АЖ	5,46	11,88	0,46	3
«Ўзбекэнерго» АЖ	5,49	27,81	0,20	5
«Ўзтрансгаз» АЖ	5,18	20,41	0,25	4
« Ўзбекистон темир йўллари » АЖ	5,33	7,27	0,73	1

Жадвал маълумотларидан кўринадикки, молиявий ўлчами бўйича «D» поғона (яъни $5 < k \leq 6$)га тегишли бўлган, Ўзбекистоннинг йирик номолиявий компаниялари топ - кучликдаги энг юқори ўринни « Ўзбекистон темир йўллари » АЖ эгаллаб турибди. Ундан кейинги иккинчи ўринни « Олмалик кон – металлургия комбинати » АЖ компанияси эгаллаб турибди. Учинчи, тўрттинчи ва бешинчи ўринларни мос равишда «Ўзбекнефтгаз» АЖ, «Ўзтрансгаз» АЖ ва «Ўзбекэнерго» АЖ компаниялари эгаллаган.

Хулоса ва таклифлар

Ҳозирда амалиётда кенг қўлланиладиган рейтинг баҳолашнинг усуллари бўйича аниқланадиган номолиявий компанияларнинг молиявий ҳолат рейтинг баҳоси кўпроқ жорий даврнинг молиявий ҳолат рейтинг баҳосини аниқлашга қаратилганлигини кўришимиз мумкин. Биз биламизки, рақобатбардош бозор шароитида номолиявий компанияларнинг молиявий ҳолатига таъсир этувчи ташқи омиллар жуда кўп ва ҳар хилдир. Шунинг учун ҳар қандай номолиявий компаниянинг ҳар бир молиявий йил учун алоҳида ўрганиладиган молиявий ҳолатининг рейтинг баҳоси доимо ижобий натижани бермаслиги мумкин. Агар молиявий таҳлилчи экспертлар томонидан бу номолиявий компаниянинг ўтган даврдаги молиявий ҳолат натижалари инобатга олиниб, жорий даврдаги молиявий ҳолат рейтинг баҳоси модификация қилинса, у ҳолда инсон фактори аралашган бўлади. Бу мақолада таклиф этилган усул орқали, инсон фактори аралашмаган ҳолда номолиявий компанияларнинг бухгалтерия баланс сифатига баҳо (рейтинг баҳо) бериш мумкин.

Бу мақолада номолиявий компаниянинг молиявий ўлчами деган янги иқтисодий термин киритилиб, унинг ҳисоблаш методикаси ишлаб чиқилди ва молиявий ўлчам орқали компаниялар синфларга ажратилди.

Ҳар бир синфга мос тушувчи номолиявий компанияларнинг топ кучликдаги ўрнини аниқлаб берувчи, умумий баҳо методикаси ишлаб чиқилди.

Костирко Р.О. такидлаганидек, номолиявий компанияларнинг рейтинг баҳосини аниқлашда ягона стандарт метод мавжуд бўлмаганлиги сабаб, номолиявий компанияларнинг рейтинг баҳосини аниқлаш жуда қийин кечади. Шу билан бирга ҳозирда амалиётда кенг қўлланилиб келинаётган номолиявий компанияларнинг молиявий ҳолат рейтинг баҳосини аниқлашдаги усуллар

ёрдамида қиёсланувчи рейтинг баҳони аниқлаш учун ноаниқлик шароитида кенг ахборот базасини шакллантиришни талаб қилади. Номолиявий компанияларнинг молиявий ҳолат рейтинг баҳосини аниқлашда ягона рейтинг баҳо мавжуд эмаслиги ва қиёсланувчи баҳони аниқлашда кенг ахборот базани шакллантириш мураккаблиги каби муаммоларни инобатга оладиган бўлсак, таклиф этилаётган методни стандарт методлар сифатида қабул қилиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги, 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сон “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш Стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги 2015 йил 28 июндаги №207-сон қарори.

3. Regina Andekina, RakhilaRakhmetova. Financial Analysis and Diagnostics of the Company// Economics and Finance, Volume 5, 2013, Page 50-57.

4. Bartosz Swiderski, Jarosław Kurek, Stanislaw Osowski. Multistage classification by using logistic regression and neural networks for assessment of financial condition of company// Decision Support Systems, Volume 52, Issue2, January 2012, Pages 539 – 547.

5. José Jorge. Feedback effects between credit ratings and financial market// Economic modelling. Volume 80, August 2019, Pages 328 – 338.

6. Костирко Р. О. Фінансовий аналіз: Навч. посібник. — Х.: Фактор, 2007. — 784 с

7. Шеремет А.Д., Сайфулин Р.С., Негашев Е.В. Методика фінансового анализа,2000. — 208 с

8. Шоҳаъзамий Ш.Ш., Суннатов Ю.У. фирмалар бухгалтерия баланси асосида молиявий-хўжалик фаолиятини таҳлил қилишнинг янгича ёндашуви.// Тошкент Молия институтининг “халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали №5, 2017 йил сентябр.-б.1-20.

9. Суннатов Ю.У. Номолиявий фирмалар бухгалтерия баланси бўйича ўн иккита трансформацияланиш коэффицентининг минимал ва максимал чегаравий миқдорларини аниқлаш услуги.// “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланишнинг долзарб масалалари” мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман материаллари, З.М. Бобур номидаги Андижон давлат университети, 2019 йил 11 октябр.

10. Шоҳаъзамий Ш.Ш., Суннатов Ю.У. Номолиявий фирмалар бухгалтерия баланси кўрсаткичларининг таҳлил усули, меъёрлари ва оптимал миқдорларини аниқлаш.// В кн.: “Пути и механизмы дальнейшего развития и

либерализации экономики в свете реализации Стратегии действий по пяти направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах”//По материалам IX Форума экономистов Узбекистана.// Ташкент, ИПМИ при Кабинете Министров Республики Узбекистан, 2017 г. -с.280-284. .

11. Суннатов Ю.У. Номолиявий фирмалар молиявий ҳолатига баҳо бериш учун бухгалтерия баланси кўрсаткичлари ёрдамида ифодаланувчи трансформацияланиш коэффициентларининг эталон миқдорларни аниқлаш ва уларни қўллаш.// Тошкент Молия институтининг “халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали №1, 2020 йил феврал.

12. Бочаров В.В. Финансовый анализ. –СПб.: Питер, 2004. -240 с.

13. www.openinfo.uz сайти маълумотларидан фойдаланилди.